

Бақара сураси, 76-оят

11:55 / 29.09.2017 3326

Иймон келтирганларни учратсалар: «Иймон келтирдик», - дерлар, бир-бирлари билан холи қолганда эса: «Уларга Аллоҳ сизга очган нарса ҳақида Роббингиз ҳузурида сиз билан ҳужжат талашишлари учун гапиряпсизми? Ақл юритмайсизларми?» - дерлар. Бақара 76.

Шундай сифат эгаларининг иймонга келишидан умидвор бўлиш мумкинми? Улар иккиюзламачи қавмдир.

«Иймон келтирганларни учратсалар: «Иймон келтирдик», - дерлар».

Яъни мазкур иккиюзламачи қавм мусулмонлар билан учрашиб қолганда, «Иймонга келдик, Муҳаммад алайҳиссаломга уммат бўлдик», дейишади. Чунки Тавротда у киши ҳақларида башоратлар бор ва яҳудийлар у зотнинг пайғамбар бўлиб келишларини кутаётган эдилар. Улар «Аллоҳ таоло ўша Пайғамбар туфайли бизни душманларимизга ғолиб қилади», - дейишар эди. Аммо

«...бир-бирлари билан холи қолганда эса: «Уларга Аллоҳ сизга очган нарса ҳақида Роббингиз ҳузурида сиз билан ҳужжат талашишлари учун гапиряпсизми? Ақл юритмайсизларми?» - дерлар».

Яъни яҳудийлар ўзлари ёлғиз қолганларида ўз ичларидан ҳақиқатни ошкор қилганларни сўка бошлар эдилар. Улар: «Аллоҳ сизга очган нарсаларни, яъни Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбарликлари ҳақ эканини мусулмонларга айтиб қўясизларми? Ахир унда қиёмат куни булар Аллоҳнинг ҳузурида бу гапни ўзимизга қарши ҳужжат қилиб келтиришадик», - дейишарди. Бузуқ табиатлари уларни Аллоҳнинг сифатларини билишдан тўсганлиги худди шу гапларидан намоён бўлади. Улар ўзларича, бу гапларни мусулмонларга айтсак, ўзимизга қарши ҳужжат бўлиб қолади. Айтмасак, ҳужжат бўлмайди», деб ўйлашади. Хўш, улар нима учун бундай қиладилар? Ёки...